



БМТ минбаридан янграган ҳаққоний даъват



**Қаландар
АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар
академияси академиги**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олганига алоҳида урғу берилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки айни шу соҳадаги ислохотлар янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфасини яққол намоён этиб, дунё аҳли, айниқса, бизнес ҳамжамият, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишни янада оширади.

Давлатимиз раҳбари юртимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом эттирилаётгани, миллий тарихимизда биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақида қатъий қарор очиқ эълон қилинганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, шу мақсадда қисқа муддатда кўплаб фармон ва қарорлар, дастур ва “йўл хариталари” қабул қилиниб, мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Энг муҳими, одамлар онгида камбағаллик — бу айб эмас, бозор муносабатларига ўтадиган барча мамлакатларда кузатиладиган табиий бир ҳолат, давлат ва жамият ҳамжиҳат бўлиб курашса, унинг даражасини камайтириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин, деган қараш шаклланди.

Ҳолбуки, бундан атиги 4-5 йил олдин “камбағаллик” деган сўзни ёзиш нари турсин, тилга олиш ҳам мумкин эмасди. Президентимиз 2020 йил 22 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи марта бизда ҳам камбағаллик мавжуд эканини очиқ эълон қилиб, уни камайтириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берди. Бугунги кунда жамиятимизда камбағалликка қарши кураш умумхалқ ҳаракатига айланди, одамларимиз ўртасида ўзаро ёрдам, саховатпешалик фазилатлари кучайиб бормоқда. Буни “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Президентимиз БМТ минбаридан таъкидлаганидек, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва кўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-хунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали камбағалликни қисқартириш борасида аниқ натижаларга эришилмоқда. Энг муҳими, ҳаётимизда **“ўзини ўзи иш билан банд қилиш”, “ўзини ўзи даромад**

билан таъминлаш”, “кичик имкониятдан – катта натижалар сари” деган янгича қараш ва кадрятлар пайдо бўлмоқда. Жамиятимизда аста-секин маҳалла орқали кўрсатилаётган ёрдамдан воз кечиб, рўзғори, иқтисодиётини ўз кучи билан тиклаб, ёрдамга муҳтожлик ҳолатидан чиқиб олаётган оилалар сони кўпайиб борапти.

Ўзбекистонда қисқа муддатда камбағалликни қисқартириш борасида муайян тажриба тўпланди. Шу боис, Президентимиз бугунги пандемия даврида бу масала дунё миқёсида ғоят жиддий тус олаётганига биринчилардан бўлиб эътибор қаратди. Айнан бизнинг Президентимиз бу муаммони дунёнинг энг олий минбаридан мутлақо янги вазият ва шароитда дадил ўртага қўйганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қолаверса, бу — халқимизга хос меҳр-оқибат, ўзгаларнинг дарду ташвишига шерик бўлишдек олижаноб фазилатларнинг юксак намоёнидир. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг **“Тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарур”**, деган сўзлари бутун дунё ва инсониятга қаратилган даъват бўлиб янгради. Алишер Навоий бобомизнинг **“Одамий эрсанг, демагил одамий, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами”** деган сатрларига ғоят ҳамоҳанг бўлган бу сўзлар айнан улуғ аждодимиз тилида — она тилимизда янграгани унинг таъсирини янада оширди.

Ишончимиз комил, бу ҳаётбахш даъват ер юзидаги миллионлаб инсонлар қалбида акс садо бериб, уларни тенглик, адолат ва фаровонликни таъминлашдек эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилишга ундайди.